

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари телефон орқали мулоқот қилдилар



30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Беларусь етакчиси Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли халқини юртимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, Беларусь Президентини таваллуд куни билан дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади.

Кўп қиррали Ўзбекистон-Беларусь ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари юқори суръат билан ортиб бораётгани, икки мамлакат етакчи корхона ва компаниялари, таълим муассасалари ўртасида муваффақиятли кооперация амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси, шу жумладан Беларусь томони раислигидаги МДХ саммитига тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Манба